

7. Такая формула, подчеркивающая временность и мимолетность всякого обладания материальными вещами в этом мире, нередко встречается во владельческих приписках на страницах рукописных книг.
8. О биографии Хидайата и его сочинениях см. статью: Ирадждур, Мухаммад-Ибрахим. Шинахтнама-йи Хидайат// Айна-йи мирас. № 46, 1389 [2010]. С. 15-54.
9. О биографии и деятельности А. Л. Куна, а также о собранных им рукописях, которые передавались в Публичную библиотеку от имени Кауфмана см.: Yastrebova O., Azad A. Reflections on an orientalist: Alexander Kuhn (1840–88), the man and his legacy// Iranian Studies. 2015. Vol. 48 (5). — P. 675-694.
10. Отчет Императорской публичной библиотеки за 1874 г. — Санкт-Петербург, 1875. — С. 72.
11. Икбал Аштигани, ‘Аббас. Дар астана-йи тахкик ва нашр: Сафарат-нама-йи Хваразм// Айна-йи мирас. №15, 1380 [2002]. С. 55-59. — С. 55.
12. Relation de l’ambassade au Kharezm (Khiva) par Reza Qouli Khan/ Traduite et annoté par Charles Schefer. — Paris, 1879.
13. Хидайат, Риза-Кули бин Мухаммад-Хади. Сафаратнама-йи Хваразм/ Тасхих-и Джамшид Кийанфар. — Тихран: Мирас-и мактуб, 1385 [2007-2008]. Сокращенный русский перевод, подготовленный А. А. Ромаскевичем, издан: Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 2, XVI-XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники/ Под ред. акад. В. В. Струве, А. К. Боровкова, А. А. Ромаскевича и П. П. Иванова. — Москва-Ленинград, 1938. — С. 280-309.
14. Переведено по: Хидайат. Хидайат, Риза-Кули бин Мухаммад-Хади. Сафаратнама-йи Хваразм/ Тасхих-и Джамшид Кийанфар. — Тихран: Мирас-и мактуб, 1385 [2007-2008]. — С. 58.
15. Списки есть в РНБ (шифр ТНС 21) и в Институте восточных рукописей РАН (шифр D 119), см.: Дмитриева Л. Г. Каталог тюркских рукописей Института востоковедения РАН. — Москва, 2002. — С. 59-60, № 124.

Ш.А. РАҲИМОВА

## АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*This article is devoted to information literacy and information culture of young people in an informed society. It is important to emphasize the need to focus on the formation of information culture in young people.*

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборот маданиятини шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бири ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш кўпинча соф технологик ходиса сифатида баҳоланишига карамай, мазмун-моҳиятига кўра чуқур ижтимоий жараён ҳам ҳисобланади. Чунки ахборотлаштириш жамиятнинг бир шаклидан ижтимоий тараққиётнинг янада юқорироқ даражасига эга бўлган бошқа шаклига ўтишни англатади.

Ахборотлашган жамият» назарияси фанга П.Дрюкер, Р.Кац, Дж.Кэш, Ё.Масуда, У.Мартин, Д.Несбит, А.Норман, М.Порат каби олимлар томонидан киритилган[1]. Ахборотлашган жамият

концепциясининг дастлабки муаллифларидан бири, япон олими Ё. Масуда таъбирича, «Ахборотлашган жамиятда инсоний қадриятлар ўзгаради. Бу жамият синфсиз ва зиддиятсиз бўлиб, уни кичикроқ давлат аппарати бошқаради»[2]. Демак, ахборотлашган жамият шароитида яшаётган индивиддан ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва умубашарий меъёрий асосларни чуқур ўзлаштирилганлик талаб этилади. Шундагина фуқароларни давлат томонидан кучли меъёрий назорат этиш эҳтиёжи сусаяди.

М. Ёкубова таъбирича, «Ахборотлашган жамиятда ахборотга оммавий равишда эркин ва бемалол эгаллик имконияти мавжуд, унинг моҳияти сифатида компьютер технологиясини

*Раҳимова Шаҳноза Анваровна – Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси ассистенти.*

ижтимоий-иқтисодий соҳанинг турли жиҳатларида жорий этишгина эмас, балки бутун машиналаштирилган ахборотлашув технологияларини шакллантириш, уларни оммавий равишда ижтимоий организмга пайвандлаш ва фаолиятнинг янги турларини пайдо қилиш мақсадида фойдаланиш ҳисобланади»[3].

Мутахассислар фикрича, ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Чунончи, Ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият техника соҳасида – ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, иқтисодий ҳаётда – ахборотнинг товарга айланиши, ижтимоий ҳаётда – ахборот турмуш даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши, сиёсий соҳада – кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахбо-



ротларни эркин олишга йўл очилиши, маданий соҳада – ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Ҳозирда ахборот чегара билмаслик хусусиятига эга экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш кўпчиликни ўйлантриши даркор. Интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Ҳаётни ҳам оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган ҳозирги шароитда интернет ёшлар учун асосий ахборот манбаига айланган.

Ахборотнинг катта оқими шароитида инсон ўзини эркин ҳис эта олиши учун ахборот маданиятига эга бўлиши керак. Бу ўринда ахборот маданияти дейилганда таълим, илмий билиш ва фаолиятнинг бошқа турлари давомида юзга келадиган ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган билимлар, ўқув ва кўникмаларнинг тизимлаштирилган йиғиндиси тушунилади.

“Ахборот маданияти” га берилган таърифларни кузатиш турли муаллифларнинг нуқтаи назарлари турличалигини кўрсатади. Хусусан, ахборот майдонида эркин юришга ва унинг шаклланишида иштирок этишга имкон берадиган билим даражаси[4]; маданият қадриятлари билан шартланган аксиологик характердаги ахборот фаолияти[5]; жамиятни ахборотлаштириш жараёнига таъсир этишга йўл кўювчи, шахснинг ахборот жамиятида зарур бўлган хусусиятлари ёки хислатлари[6] деган изоҳларга дуч келамиз.

Бундан ташқари, ахборот маданиятини янги алоқа ва фикрлаш тури [7] ёки мантиқий фикрлашнинг ривожланиш даражаси, тизимни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилияти[8] тарзида талқин этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

В.А.Бородинанинг айтишича, ахборот маданиятини "инсон ҳаётининг эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурсларини ривожлантиришнинг турли хил ва мураккаб вазифаларига ечим топадиган интеллектуал-маданий восита"[9] деб ҳисоблаш мумкин.

Профессор Н.И.Гендина ёзишича, "Ахборот маданиятининг замонавий талқинлари янги ахборот технологиялари ("экранный маданияти", "компьютер маданияти") га боғлиқ эски, асосан, китоб, кутубхона маданиятидир"[10].

Жамиятнинг ахборот маданияти унинг аъзолари томонидан ахборот ресурсларидан тасаруф қилиш қобилияти, ахборот технологияларидан шахсий ҳаётининг фаолияти ва жамиятнинг тараққиёт манфаатлари йўлида фойдаланиш қанчалик шаклланганлиги билан белгиланади. Ахборот оқимида эркин ҳаракатланиш учун шахс умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида ахборот маданиятига эга бўлиши шарт. Ахборот маданияти шахснинг ижтимоий табиати билан боғлиқ ҳисобланади. Ахборот маданиятининг даражаси шахснинг ахборот коммуникация

TAДЖИКОТЛАР. ИССЛЕДОВАНИЯ

технологияларини ўзлаштириши ва ундан кундалик фаолият давомида ҳар хил вазиятларда фойдалана олиш малакасининг шаклланганлиги билан белгиланади [11].

Шундай қилиб, "ахборот маданияти" тушунчасининг моҳияти турлича, яъни шахсий хусусиятлар, хатти-ҳаракат қоидалари, ахборотни бошқариш усуллари, ахборот фаолияти тажрибаси ва ахборот дунёси нуқтаи назаридан аниқланади.

Ахборот маданиятини шакллантириш комплекс ҳал қилиниши лозим бўлган кўпқиррали муаммодир. Ахборот маданияти – ахборотга нисбатан дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиши, ёшларга ахборот жамиятининг фалсафасини тушунтириши, ахборот оқими орасидан зарурларини танлаб олиш кўникмаларини шакллантириши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсининг ахборот олиш малакаларини шакллантириш узоқ ва тизимли йўл тутишни талаб этади. Шунинг учун ҳам мазкур муаммо миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал характер касб этади.

Ахборотни танлаш ва ундан самарали фойдаланиш инсоннинг онг даражасига боғлиқ. Онг даражаси билим даражасига, билим даражаси эса ўз навбатида борлиқдаги воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳияти билан мутаносиб бўлиши даркор. Шунинг учун ахборот олаётган киши аввало уни мутлақлаштирмасдан, ўз шуури даражасида таҳлил қилиб, сўнг қабул қилиши лозим.

Замонавий жамиятнинг фарқли белгиларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни теварак атрофда бўлаётган ўзгаришларга доимий мослаштириб бориш ҳисобланади. Цивилизациянинг ривожланишида унинг асл моҳиятини олдин қандай бўлганлиги билан таққослаймиз. Унинг ўзига хослик белгилари узлуксизлик, шиддатлилик, глобал характерлиликдир. Ахборотлаштириш асрида ахборот хуружининг авж олиши ёшларда ахборот маданияти, мутолаа маданиятини шакллантиришни айниқса тақозо этади. Бу жамиятда инсондан ақл кучигина талаб этилади, меҳнатнинг характери ўзгаради: ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ақлий меҳнат жисмоний меҳнатни сиқиб чиқаради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугун ахборот шиддат билан янгиланиб, ҳажми ортиб

бормоқда. Натижада билимнинг ўсиш суръати илгарилаб кетмоқда. Ўтган асрда жамиятда ҳаётни иккига бўлиб, ўқиш даври ва иш даврига ажратилган бўлса, эндиликда бунга ҳожат қолмаяпти.

Бугун компьютерлар, компьютер тармоқларидаги улкан ҳажмдаги ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланишда жамият ва инсон учун ахборот маданияти феноменининг глобал аҳамиятини англаш талаб этилади.

Ахборот маданиятини шакллантиришда таълим катта аҳамиятга эга бўлиб, бу тизимнинг юксалиши ҳар бир кишини самарали тарзда ахборот ва ахборот воситаларидан фойдалана олишга, у эса ўз навбатида бутун жамиятнинг олға силжишига сабаб бўлади.



Аслини олганда, ёшларнинг ахборот маданиятига эришиши учун улардан, биринчи навбатда, ахборот саводхонлиги ҳам талаб қилинади. Ахборот саводхонлиги "Ахборотга бўлган эҳтиёжни ҳис қилиш, уни топиш, унга баҳо бериш ва ундан самарали тарзда фойдаланиш" учун керак бўладиган малакалар тўплами сифатида таърифланади [12].

"Ахборот саводхонлиги" тушунчасини биринчи марта П.Зурковский XX асрнинг 70-йилларида иш ва кундалик ҳаётда муаммоларни ҳал қилишда ахборот ресурсларидан тўғри фойдалана олган инсонга нисбатан ишлатган: "Ахборот ресурсларини ўз ҳаёт фаолиятида тўғри татбиқ қила олган одамларни ахборий саводхон, деб аташ мумкин".

Кейинги ўн йилликлар давомида ахборот саводхонлиги АҚШнинг кундалик ҳаётда, мактабда, иш жойларида ва кутубхона соҳасида энг фаол тушунчага айланди. Ушбу тушунча эволюциясига расмий асос президент кўмитасининг ахборот саводхонлиги тўғрисидаги ҳисоботи бўлди. Унга кўра “ахборий саводхон инсон деб ахборотга талабни ҳис қилган, ахборотни қидиришни, баҳолашни ва тўғри қўллаш олишни билган шахсни аташ мумкин. Ҳозирги кунда оптимал қарор қила оладиган ва демократик жамиятда тўлиқ қатнаша оладиган ҳар қандай замонавий шахс ахборий саводхон инсон бўлиши керак.” дейилган.

Охирги бир неча йил мобайнида умумий ахборот саводхонлигини ривожлантириш лозимлиги жамиятимизда ёшлар билан ишлашнинг асосий тамойиллардан бири бўлиб келмоқда. Фикр юритиш ва ахборотни баҳолаш янги мазмундаги ахборот саводхонлигининг марказидан ўрин олган.

«XXI аср талабаси учун стандартлар» деб номланган йўриқномада эса талабалар малака, манба ва билим олиш воситаларини қуйидаги мақсадларга йўналтириши лозимлиги белгилаб берилган:

Булар, маълумот излаш, танқидий ўйлаш, билим олиш, хулосалар яшаш, тегишли маълумотга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш, билимни янги вазиятларга йўналтириш, янги билимларни яратиш, билим алмашиш ҳамда шахсий камолот ва эстетик жиҳатдан ўсишга интилишдир [12].

Шундай қилиб, "ахборот саводхонлиги" атамаси ишлатилганда кўплаб Америка тадқиқотчилари ҳар қандай зиёли киши ахборот жамиятида муваффақиятли фаолият юритиши учун фақат бир ёки бир неча кўникмалар эмас, балки катта билимлар комбинацияси ва мукамал қобилиятларга эга бўлиши лозимлигини ҳам назарда тутадилар.

Кейинги пайтда ахборот маданияти тушунчасига назариётчилар томонидан кенгроқ қараш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Хусусан, профессор А. Умаров ахборот маданияти ва мутолаа маданияти тушунчаларининг ўзаро муносабати ва тақозодорлиги ҳақида тўхталиб ёзади: “Олдинги анъанавий жамиятларда, шунингдек индустриал жамиятда ҳам мутолаа маданияти ахборот маданиятига нисбатан устун мавқеда

эди. Лекин ахборот жамият ва инсон ҳаётининг ҳамма жабҳаларида – илм-фан, таълим, бошқарув, ишлаб чиқариш, ижод ва бошқа соҳаларда асосий ресурсга айлангач, ахборот маданияти тизим ясовчи категория мақомига кўтарилди, мутолаа маданияти эса шу тизимнинг ажралмас қисми сифатида жамият ва инсон ҳаётида ўрин тута бошлади” [13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида” 2017 йил 12 январдаги Ф-4789 сон Фармойиши ва шу йили 13 сентябрда бу ҳақда қабул қилган қароридан мамлакатимизда ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди-ки, бу эса ахборот маданиятини шакллантиришга ҳам дахлдор эди.

Аҳолиси мунтазам равишда илм олиш, мутолаа билан машғул бўлган жамият пойдевори мустаҳкам бўлишига жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари яққол мисолдир

Замонавий технологияларнинг ривожланиши китобга бўлган эътиборни бир мунча пасайтириб юборгани бор гап. Аммо эндиликда давр талабни инобатга олган ҳолда, мутолаани замонавий кўринишда тарғиб этиш мақсадга мувофиқ. Ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш ғоят хилма-хил «ахборот босими» шароитида кечмоқдаки, миллий тараққиёт манфаатларимизга мос йўлни танлаб олиш учун бизнингча, қуйидаги мезонларга амал қилиш зарур:

- ахборот олиш ва уни тасарруф этишда ахборотнинг мазмун-моҳиятига, унинг ҳақиқий эканлиги, қайси омилларга асосланганлиги ва қандай мақсадда тарқатилаётганлиги ғоясига асосланганлигига эътибор қаратиш;
- ахборотнинг қандай натижа бериши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, уни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий томонларини аниқлаб, сўнгра муайян бир хулосага келиш;
- ахборотга онгли, юксак тафаккур билан

ёндашиш ва уни керак ҳолларда синтез қилиш, салбий фикрларга қарши, ахлоқий-руҳий шароитлар яратиш;

- ахборотда ижобий фикрларни жонлантириш, тарғиб этишда миллий кадриятларга асосланиш;
- бу ишни аниқ тарихий вазиятда ривожлантириш учун давом этаётган ички ва ташқи шароитлар билан муттасил боғлаб олиб бориш;
- мавжуд ахборотларда жамиятдаги плюралистик илмий ғояларнинг хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, фуқароларнинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишга зиён ёки тазйик ўтказмаслик;
- ёшларнинг ахборот маданиятидан самарали фойдаланиш, бажариладиган ишларнинг таъсирчанлигини пухта назорат қилиб туриш

орқали жамиятда мустаҳкам барқарорликни таъминлашга эришиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш жамият ривожини билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли у мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Шу сабабдан аҳолини, аввало, ёшларни нафақат янги технологияга ўқитиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш, айтиш чоғда ана шундай технологияларни яратиш ва такомиллаштиришда уларнинг кенг иштирокини таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бу эса, ёшлар олдига янада чуқур билим эгаллашни, катта кўламдаги ахборотни тўла ўзлаштиришни ва ундан самарали фойдаланишни долзарб вазифа қилиб қўяди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Знамцева О.П. Информационный человек: социально-видовые характеристики. Автореф. дис. ...канд. филос. наук. – Саратов, 2008.
2. Масуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – Москва: 1991.
3. Ёқубова М. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви. – Тошкент: Nishon-nosir, 2010. – Б. 9.
4. Медведева Е.А. Информационная культура как предмет преподавания в системе высшего образования // Информатизация и проблемы гуманитарного образования: междунар. научн. конф.: тезисы докл. Краснодар, 1995. С.67–68.
5. Гречихин А.А. Информационная культура: опыт определения и типологического моделирования // Проблемы информационной культуры: сб.статей. – Москва: 1994. С.12–39.
6. Атаян А. Информационная культура личности в условиях информатизации общества [Электронный ресурс] // Бюллетень ВИУ. 2001. Вып. №1(7). Режим доступа: <http://www.viu-online.ru/science/publ/bulletin7/page9.html>
7. Алешин Л.И. Гуманитарная информатика: аспекты проблемы // Технологии информационного общества – Интернет и современное общество: труды VI Всероссийской объединенной конференции. Санкт-Петербург, 3 – 6 ноября 2003 г. СПб.: СПбГУ, 2003. С. 1–3.
8. Фридланд А.Я. Основные понятия информатики: информация – информационный процесс – информационная культура // Информатика и образование. 2003. № 7. С.120-124
9. Бородин В.А. Библиотечное обслуживание: учебно-методическое пособие. – Москва: Либерия, 2004. С.21.
10. Гендина Н.И. Специальная цель и ответственное задание для школьной библиотеки: формирование информационной культуры учащихся // Школьная библиотека. 2004. № 4. С.33.
11. Извозчиков В.А. Концепция педагогики информационного общества // Наука и школа. – Москва, 1999. – № 1. – С.18-22.
12. Кей Энн Кассел ва Ума Хайрмат. XXI асрда маълумот ва ахборот хизматлари: иккинчи таҳрир. – Тошкент: Baktria press, 2014. – Б.325.
13. Умаров А. Мутлоа ва ахборот маданиятини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни //“Fan, ta’lim, madaniyat va biznesda internet va axborot-kutubxona resurslari” мавзuidaги IX Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: 2015. Б.190.